

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIDA TUРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Нарзуллаева Чарос Қаххоровна

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети ассистенти

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида ички ва ташқи туризмнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ҳамда уни ривожлантиришнинг самарали усуллари ҳақида атрафлича маълумот берилган.*

Калит сўзлар: *туризм ички туризм, ташқи туризм, инфраструктура, виза, визасиз, режим, сайёҳлар, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, қонун ва қонуности ҳужжатлар, зиёратгоҳлар.*

Аннотация: *В данной статье представлен подробная информация о роли внутреннего и внешнего туризма в социально-экономической жизни страны и эффективных методах его развития в Республике Узбекистан.*

Ключевые слова: *туризм, внутренний туризм, зарубежный туризм, инфраструктура, виза, безвизовый режим, туристы, экскурсионная деятельность, зарубежные страны, нормативно-правовые акты, места паломничества.*

Annotation: *This article provides detailed information about the role of internal and external tourism in the country's socio-economic life and effective methods of its development in the Republic of Uzbekistan.*

Key words: *tourism, domestic tourism, foreign tourism, infrastructure, visa, visa-free, regime, tourists, guide activities, foreign countries, laws and regulations, pilgrimage sites.*

Дунёда туризм тармоғига барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қаралади. Замонавий туризм транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг юксак даражада тараққиётига асосланган бўлиб, натижада уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли тармоғига айлантиради. Ўзбекистон Республикасида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ туризм тармоғини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш, ушбу соҳа билан шуғулланувчи корхоналарга имкониятлар яратиб бериш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар шиддат билан олиб борилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, Республикамиз 1993 йил 4 октябр санасида Бутунжаҳон туризм ташкилотига Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб аъзо бўлди. Ушбу ҳолат ўз навбатида Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ишларига катта ижобий туртки берди. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 5

январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ 5611 сон қарорида “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепсияси”га мувофиқ Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташиладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун мамлакатдаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш мақсадида хорижий алоқаларни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилди[1].

Давлатимизда туризмни ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара бериши ҳаммамизга маълум, чунончи, у хорижга ресурс чиқармасдан туриб (пахта, газ, нефть) валюта олиб кириш имконини беради. Сўнгги йилларда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, кўпгина ривожланган давлатларда туризмдан тушадиган даромад бошқа соҳаларга қараганда бирмунча кўпроқ валюта тушумларини келтиради. Жумладан: Туркия йилига 4-5 млрд. доллар қийматида товар экспорт қилса, туризм фаолиятдан 10 млрд. доллардан зиёд даромад олади. Австрия, Англия, Италия, Франция, Испанияларда ҳам юқоридаги каби шундай юқори кўрсаткичларни учратишимиз мумкин. Мазкур соҳа кузатувчилари сайёҳлик ва туризм иқтисодий тараққиётнинг драйвери – ҳаракатлантирувчи кучи экани борасида яқдил фикр билдирмоқда, ушбу тармоқлар янги иш ўринларига замин ҳозирлаш баробарида (ИКАО маълумотига кўра, 2017 йилда ҳар 10 иш ўрнининг биттаси мазкур тармоқга дахлдор бўлган) ижтимоий ўсишга самарали ҳисса қўшади. Туризм хизмат кўрсатишга асосланган иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди. Мазкур фаолият доираси Тошкентдаги йирик меҳмонхоналардан тортиб, Самарқанддаги кичик хотеллар, халқаро аэропортлардаги бутиклар, Бухоро ва Хиванинг хушманзара кўчаларидаги кичик хунармандчилик дўконларигача бўлган қамровни ўз ичига олади. Мазкур соҳа инсонларда иқтисодий кўникма ва малакаларни оширади, билим доираларини кенгайтиради. Ҳозирги вақтда кўплаб мамлакатларда, хусусан, энг тараққий этган 10 та давлатда бутун саъй-ҳаракатлар чет эллик сайёҳларни жалб қилишга қаратилмоқда. Туризм соҳаси ривожланаётган мамлакатлар учун, айниқса, пул оқимини оширишда унумли бўлиши барчага равшан.[2].

Дунё миқёсида амалга оширилаётган тадқиқотларида туризм тармоғига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Хусусан, бугунги кунда ривожланган давлатлар илмий тадқиқотларида туризм соҳасини уларнинг иқтисодиётига, ижтимоий соҳасига, экология ва бошқа тармоқларга таъсирини ўрганишга оид бир қанча тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Мазкур

тадқиқотларнинг асосий мазмунида ижтимоий капиталнинг туризм йўналишида олиб борилаётган сиёсатга мос тушадими ёки йўқ мазмунидаги савол туради. Ушбу жумбоқ ечимига оид тадқиқотлар бир нечта олимлар томонидан ўтказилган. Мазкур тадқиқот натижасига кўра улар ўзаро боғлиқ бўлиб ижтимоий капиталнинг ўсиши туризм соҳасини ривожланишига билвосита таъсир ўтказиши асослаб берилган[3]. Кужел Ю. ўзининг мазкур соҳага доир дарслигида туризм соҳасини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги ўрнини очиб берган. Бунда мамлакатнинг энг тез ривожланадиган соҳаси сифатида туризмга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини келтириб ўтади[4]. Россиялик олимлар Н.Морозова ва М.Морозовнинг фикрича замонавий туризм индустрияси янги компьютер технологияларини татбиқ этилиши билан катта ўзгаришларга эга бўлди. Ҳар қандай ташкилотни туристик бизнес бозорида замонавий ахборотлар технологиясидан фойдаланилмасдан муваффақиятли фаолият юритиши амалиётда мумкин эмас[5]. Н. Хайдаровнинг фикрича, давлатда таълим соҳасига хорижлик талабаларни қабул қилишни кескин ошириш даркор. Улар камида 4 йил ўқиш даврида туристлар сингари ҳаёт кечиради. Уларни ўқиш вақтида ота-оналари ва яқин дўстлари кўриб кетиш мақсадида келиб-кетиш эҳтимоли жуда юқори[6]. Юқорида кўриб ўтилган мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм тармоғини ривожлантириш мамлакатнинг барча секторларининг тараққиётига бевосита таъсири юқоридир. Бугунги кунда Республикамиз туризм салоҳиятини ривожланган давлатлар фойдаланаётган тажрибалар асосида мавжуд бўлган туристик имкониятдан фойдаланиш орқали дунёга намоён қилиши муҳим ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) маълумотларига кўра, бутун дунё яппи ички маҳсулотининг 10,4 фоизи (2017 йилда унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 7 фоизи, солиқ тушумларининг 5 фоизи, дунёдаги истеъмолчилик харажатларининг 11 фоизи ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўрнининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг улушига тўғри келмоқда. Ушбу соҳада аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2016 йилга нисбатан 103 фоизга ўсди ва 2017 йилда туризм ва сайёҳлик соҳасида бевосита 118,4 миллион киши (дунёдаги умумий ишчиларнинг 3,8 фоизи) иш билан банд бўлган бўлса, билвосита (туризмга хизмат кўрсатадиган тармоқлар билан бирга) 313,2 миллион киши фаолият юритмоқда[7].

Ўзбекистон Республикасида ҳам туризмни ривожлантириш доирасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Туризмни

ривожлантириш давлат кўмитаси ҳамда унинг минтақавий тузилмалари штат бирликларининг кўпайтирилгани, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунда соҳанинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда янги тушунчалар киритилди, туризм соҳаси бўйича мамлакат сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари белгиланди. Қолаверса, туристик фаолият субъектлари тоифаларга ажратилди. 47 та мамлакат фуқаролари учун виза режими бекор қилинди ҳамда визасиз режимга эга давлатлар сони 86 тага етди. Шунингдек, виза жараёнларини соддалаштириш мақсадида электрон виза олиш имкониятига эга мамлакатлар сони 57 тани ташкил этди. Қўшимча равишда, “Ватандош”, “Талаба”, “Академик”, “Зиёратчи” ва “Тиббиёт” виза турлари амалиётга татбиқ этилди. Қилинган ишлар натижаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган давр билан солиштирганда 2019 йилда мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 26,2 фоизга ошди. Визасиз режим татбиқ этилган давлатлардан келган сайёҳлар миқдорида эса 58 фоиз ўсиш кузатилди. Натижада, сайёҳларни жойлаштириш масканларининг ўсиш кўрсаткичи 62 фоиздан 84 фоизга кўпайди. Сўнгги йилларда туризм соҳасидаги янги тенденцияларга мос ва кенг сегмент талабларига жавоб берадиган хостеллар маркетингини такомиллаштириш жиддий аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2019 йилда Республикада кам бюджетли туризм инфратузилмаси ҳамда хостеллар бизнесини янада рағбатлантириш учун хостелларни мажбурий сертификациялаш тартиби бекор қилинди ва бошқа бир қатор талаблар соддалаштирилди. 2019 йилнинг ўзида республикада 161 та янги хостеллар куриб фойдаланишга топширилди. Улар томонидан бир пайтнинг ўзида 5666 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди[9].

Хулоса ўрнида шуни такидлаш жоизки, туризм соҳаси қадимда ва замонавий дунёда иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим ҳамда самарали омилларидан биридир. Юқорида гувоҳи бўлганимиздек мазкур соҳани ривожлантиришнинг бирқанча омиллари мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимизда туризм тармоғини ривожлантириш ва давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасида катта ютуқларга эришилди. Ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги, шубҳасиз, соҳа ривожининг асосий омили бўлди. Шу билан бир қаторда айрим камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар мавжудки, уларни бартараф қилиш ва бу борада тараккий этган

чет давлатларнинг ижобий тажрибаларидан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611 Фармони.
2. <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/6667>
3. Barnabé Walheer, Linjia Zhang . Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. Pages 1-604 (December 2018) pp.1- 11.
4. Кузеля Ю. Л. Туризм и гостеприимство. Учебник:- М. : Издательство Юрайт, 2018. – 439 с
5. Морозова Н., Морозов М., Информационное обеспечение туризма. Учебник. Москва, КноРус, 2016, 7 с
6. Н.Хайдаров. Туризмни ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси. Очик иқтисодиёт: соғлом рақобат, бизнес муҳити инвестицион муҳит жозибадорлиги / Халқаро амалий анжуман / ТДИУ
7. Travel & Tourism Economic Impact 2018 world.
8. <https://www.worldbank.org/en/news/feature/2017/10/31/central-asia-tourism-a-driver-for-development>
9. <https://review.uz/oz/post/turizm-soasini-rivozlantiris-bujica-2019-jilda-amalga-oshirilgan-ishlar>
9. Damirovich, M. R., Ibragimovich, T. I., & Sattarovich, A. U. (2022). The Role Of Spiritual And Educational Events In Promoting The Ideas Of Religious Tolerance And International Health. Brazilian Journal of Implantology and Health Sciences, 4(5), 42-47.
10. Sattarovich, A. U. (2023). YOSHLARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHNING ASOSIY TAMOILLARI. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 2(20), 232-234.
11. Abdusalomov, U. S., & Boltaboyev, A. (2020). GENERAL CHARACTERISTICS OF THE MILITARY COMMITTEES OF THE ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Экономика и социум, (12 (79)), 10-13.



12. Abdusalomov, U. S. (2023). DEFENDING THE MOTHERLAND IS THE OBLIGATION OF EVERY CHILD. THEORY OF SCIENTIFIC RESEARCHES OF WHOLE WORLD, 1(1), 6-9.

13. Sattarovich, A. U. (2022). We Should Follow the Example of Our Ancestors in Patriotism. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 6, 24-26.

14. Sattorovich, A. U. (2023). HARBIYLARNING KREATIV SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA TA'LIMNING AHAMIYATI. SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 1(12), 96-100.

15. Sattarovich, A. U. B. (2022). «HARBIY-VATANPARVARLIK TARBIYASINING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI». Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 10(11), 90-97.

16. Абдусаломов, У. С. (2023). ЗАЩИЩАТЬ РОДИНУ-ОБЯЗАННОСТЬ КАЖДОГО РЕБЕНКА. MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS, 5(5), 13-17.